

Юксак мукофотларга сазовор бўлган йўлсозлар



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 августда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармониغا биноан бир гуруҳ йўлсозлар ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Жумладан,

"Дўстлик" ордени билан:

- Адамов Бекиммат Юлдашевич - Янгибозор тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Хоразм вилояти;
- Изатуллаев Абдулбоқи Рашитович – "Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори;

"Шухрат" медали билан:

- Абдиев Махсат Зарипович – Эликқалъа тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
- Муродуллаев Комилжон Зубайдуллаевич – Оқдарё тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Самарқанд вилояти.

Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган йўлсозларимизни самимий қутлаб, уларга соғлик-саломатлик, юртимиз тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлидаги фидоий касбларида муваффақиятлар тилаймиз.

Автомобиль йўллари кўмитаси

матбуот хизмати